

СОХТА КАШТАН ПЎСТЛОҒИ ТАРКИБИДАГИ КУМАРИН ВА ФЛАВАНОИДЛАРНИ ЎРГАНИШГА ДОИР

Х.М. Комилов, Н.Б. Илхомова

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон
Республикаси

Ишнинг мақсади: сохта каштан дарахти пўстлоғи таркибидаги кумарин ва флаваноидларни аниқлаш.

Усуллар: маҳсулотдан 96%ли спирт ёрдамида суюқ экстракт олиш. Олинган суюқ экстрактни қуюлтириб, 1:2 нисбатда сув билан суюлтирилди, сўнг ажратувчи воронкада ундан эфирли, бутанолли ва сувли фракцияларга ажратилди. Фракциялар таркибидаги биофаол моддалардан кумаринларга хос реакциялар ўтказилди ва гексан-бензол-метанол (5:4:1) системасида қоғозли хроматография усули ёрдамида ўрганилди. Худди шундай флаваноидларни ҳам сифат реакциялар ва бутанол-сирка кислота- сув (4:1:5) системасини қўллаб хроматографик ўрганилди. Ошловчи моддалар ва сапонинлар уларга хос сифат реакциялар ёрдамида аниқланди.

Маҳсулот таркибидаги кумаринлар ва флаваноидлар миқдори фотоэлектро-колориметрик усулда аниқланди. Кумаринлар миқдорини аниқлашда кумарин бўйича тузилган, флаваноидларни аниқлашда эса рутин бўйича тузилган калибрланган чизмалардан фойдаланилди.

Натижалар: сохта каштан пўстлоғидан олинган бутанолли фракциядан R_f 0,0: 0,15, 0,27 ва 0,65 бўлган кумарин табииатли бўлган моддалар хроматографик таҳлил натижаида топилди. Улардан R_f 0,00 бўлган модда-эскулетинни гликозиди-эскулин, R_f 0,15-бўлган модда фраксетин, R_f 0,27-эскулетин, R_f 0,65 эса кумарин билан “гувоҳлар” ёрдамида таққосланди.

Флаваноидлардан R_f 0,90 ва 0,85 бўлган моддалар гувоҳлар ёрдамида кверцетин ва кемпфероллар билан таққосланди.

Маҳсулот таркибидаги кумаринлар миқдори ўртача 0,11%, флаваноидлар миқдори эса ўртача 0,54% эканлиги топилди.

Хулосалар: сохта каштан пўстлоғи таркибидаги моддалар сифат ва миқдорий таҳлил қилинди. Маҳсулотда кумаринлардан фраксетин, эскулетин, эскулин ва кумарин, ҳамда флаваноидлардан кверцетин ва кемпфероллар борлиги хроматография усулида аниқланди. Шу билан бирга унинг таркибида ошловчи моддалар ва сапонинлар эса сифат реакциялар ёрдамида топилди.

Маҳсулот таркибида 0,11% кумаринлар ва 0,54% флаваноидлар борлиги аниқланди.

